

ИНСОН ВА ЖАМИЯТ МУНОСАБАТЛАРИДА АДОЛАТ ТАМОЙИЛИНИНГ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТИШИ

Салимов Бахриддин Лутфуллаевич

Тошкент давлат транспорт университети профессори в.б.

Анваров Асан Мейирбекович

Тошкент давлат транспорт университети талабаси.

Раупов Санжар Ғолиб ўғли

Тошкент давлат транспорт университети талабаси

АННОТАЦИЯ

Мақолада Марказий Осиёлик алломалар Юсуф Хос Ҳожиб ва Алишер Навоийнинг давлат ва жамият мавзусидаги ўзига хос қараишлари таҳлил этилган. Уларнинг асарларидаги ижтимоий муносабатлар тизимини барқарорлиги, турли-хил ижтимоий қатламлар ва гуруҳлар орасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликнинг ўрнатилиши, мамлакатдаги қонун-қоидаларнинг эл-юрт учун мувофиқ тузилишига боғлиқлиги масалалари ўрганилган.

Калит сўзлар: *халқ, жамият, давлат, қонун, адолат, барқарорлик.*

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются уникальные взгляды центральноазиатских ученых Юсуфа Хос Хаджиба и Алишера Навои на проблему государства и общества. В их работах изучались устойчивость системы общественных отношений, установление взаимного согласия и сотрудничества между различными социальными слоями и группами, зависимость законов и правил страны от правильного устройства страны.

Ключевые слова: *народ, общество, государство, право, справедливость, стабильность.*

ABSTRACT

The article analyzes the unique views of Central Asian scholars Yusuf Khos Hajib and Alisher Navoi on the subject of state and society. In their works, the stability of the system of social relations, the establishment of mutual harmony and cooperation between different social strata and groups, and the dependence of the country's laws and regulations on the proper structure of the country have been studied.

Key words: *people, society, state, law, justice, stability.*

КИРИШ

Ахлу-фуқароларсиз, яъни халқсиз ижтимоий муносабатлар тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Давлат ва жамият мавзусида ўзига хос қарашлари билан танилган Марказий Осиёлик аллома Юсуф Хос Ҳожиб таъкидлаганидек, «Шуни яхши билгинки, халқсиз бирорта ҳам иш битмайди»¹. Дарҳақиқат шундай, халқсиз на жамият, на давлат мавжуд бўлади. Ҳеч муболағасиз айтишимиз мумкинки, ижтимоий муносабатлар доирасида, халқ – барча нарсанинг манбаидир. Шу боисдан азал-азалдан дастлаб, қабилалар бошлиқлари, кейин мамлакатлар хоқонлари, султонлари, подшоҳлари, амирлари, хонлари, қироллар, императорлар, яъниким давлатларнинг бошлиқлари орасидан узоқни кўра билган оқилу-донолари ўз сиёсатларида ушбу масалага алоҳида эътибор қаратганлар². Бунинг ижобий натижаси ўлароқ уларнинг тобелигидаги халқлар ҳокимиятдан мамнун бўлишган, ҳамжиҳатлик ва бирдамлик ўрнатилиб, шу ўлка гуллаб-яшнаган. Одамлар минг йиллар аввал ҳам ушбу омилнинг ижтимоий муносабатлар ривожига муҳим аҳамият касб этишини тушуниб етишган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Хусусан, Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг «Қутадғу билиг» яъни, «Саодатга элтувчи билим» асарида давлат билан жамият, ҳукмдорлар билан халқ ўртасидаги каби барча жиҳатларни ўз ичига олган ижтимоий муносабатларни ҳар томонлама таҳлил этган³. Бошқарувчилар билан бошқарилувчилар ўртасида кечадиган жиҳатларга катта эътибор қаратган. Айниқса, эл-юртнинг бошида турган бошлиқларнинг юриш-туриши, феъл-атвори ва жамиятда ўзини тутиши, фаолияти борасида жуда бебаҳо фикрларни билдириб ўтган.

Юсуф Хос Ҳожиб қуйидаги мулоҳазани билдириб ўтган: «Эл орасида доим обрўни сақлаш учун тўрт нарса керак: бири – тили тўғри, сўзи чин, бутун бўлсин. Иккинчи, эл-юрт учун қонун-қоидалар мутлоқо мувофиқ тузилсин. Очикқўнгил, саҳоват – учинчи хислат. Эл-элат бошлиқдан доимо мурувват кўришсин. Ниҳоят, тўрттинчи хислат, бошлиқнинг жасур ва ботир бўлишидир. Токи ёв, душманлар бўйин эгиб қолсин»⁴. Баён этилган ушбу хулосадан

¹ Салимов Б.Л. Ижтимоий муносабатларнинг коммуникация ва транспорт тизими билан детерминистик боғлиқлигининг гносеологик таҳлили. Фалсафа фанлари доктори диссертацияси. Ўзбекистон Миллий университети. Тошкент. 2022, 224 б.

² Salimov, Bakhridin Lutfullaevich (2023). OPINIONS OF CENTRAL ASIAN SCHOLARS ON SOCIAL RELATIONS. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 3 (1-2), 178-182.

³ Salimov Baxriddin Lutfullaevich. The philosophical role of dialectical categories in human life. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. Volume: 1, Issue 6, 2021. -P.406-410.

⁴ Salimov, Bakhridin Lutfullaevich (2023). OPINIONS OF CENTRAL ASIAN SCHOLARS ON SOCIAL RELATIONS. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 3 (1-2), 178-182.

кўриниб турганидек, Юсуф Хос Ҳожиб бошлиқлар ва раҳбарлар Форобий айтганидек 12 та эмас, балки 4 та ижобий фазилатлар эгаси бўлиш зарурлиги ҳақида фикр юритган. Хусусан: «Эл-юрт учун қонун-қоидалар мутлоқо мувофиқ тузилсин» деган хулосаси эътиборга моликдир. Бу ўринда Юсуф Хос Ҳожиб ҳам бошқа мутафаккирлар сингари қонун-қоидалар халқ манфаатини кўзлаган ҳолда тузилиши керак деган хулосага келади. Зеро, ижтимоий муносабатлар тизимини барқарорлиги, турли-хил ижтимоий қатламлар ва гуруҳлар орасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликнинг ўрнатилиши ҳам қонун-қоидаларнинг эл-юрт учун мувофиқ тузилишига боғлиқдир.

Илмий жамоатчиликка шу нарса маълумки, бир қатор Шарқ мутафаккирларининг қарашлари диалектик мазмун касб этади. Бу жиҳат кўпчилик илмий тадқиқотларда ўз тасдиғини аллақачон топган. Шулар қатори, биз ҳам ўз илмий изланишларимизда ушбу мавзуга кўп бора тўхталиб ўтганмиз. Хусусан, Юсуф Хос Ҳожиб асарларини таҳлил этар эканмиз, уларда диалектик тамойиллар мавжудлигини кузатишимиз мумкин. Аллома ижтимоий муносабатлар элементларининг ўзгарувчанлигини қиёсий ўхшатиш орқали жуда моҳирона таърифлайди:

«Тўп (копток) давлат (бойлик)га жуда ўхшайди.

Уларнинг иккаласи ҳам бир жойда тўхтаб турмайди, юмалаб кетаверади.

Бойлик билан давлат кўзи кўр одамга ўхшайди.

Ким бойлик ва давлатнинг қўлидан тутса, ўшанга эргашиб кетаверади: бу яхши, мана буниси эса ёмон, деб ажратиб ўтирмайди»⁵.

Дарҳақиқат, бу жуда топиб қўйилган қиёсий ўхшатишдир. Юсуф Хос Ҳожиб диалектикани коптокка ўхшатган биринчи ва ягона аллома ҳам бўлса керак. Моҳиятан ўйлаб қараганда ҳам, қиёсий маънода қарайдиган бўлсак, диалектикани коптокка ўхшаш жиҳатлари бор. Иккаласи ҳам доимий ўзгариш ва ҳаракатда бўлиш хусусиятларига эга. Юсуф Хос Ҳожиб бу ўхшатиш билан бойлик ва давлат копток каби айланишини, бугун қўлингда бўлса, эртага қўлингдан кетиши мумкинлигига, замон ва даврлар доимий ўзгаришдалигига, ҳар қандай даври-давроннинг охири борлигига ишора қилади. Шунингдек, аллома кейинги фикрларида бойлик ва давлатнинг доимо муносиб қўлларда бўлавермаслигига, баъзан унга номуносиб бўлганлар қўлида тўпланиб қолиши мумкинлигини айтиб ўтган⁶.

⁵ Салимов Б.Л. Ижтимоий муносабатларнинг коммуникация ва транспорт тизими билан детерминистик боғлиқлигининг гносеологик таҳлили. Фалсафа фанлари доктори диссертацияси. Ўзбекистон Миллий университети. Тошкент. 2022, 224 б.

⁶ Salimov, Bakhridin Lutfullaevich (2023). OPINIONS OF CENTRAL ASIAN SCHOLARS ON SOCIAL RELATIONS. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 3 (1-2), 178-182.

Яна бир баҳсли масала бор. Агарда бойлик ва давлат муносиб одамларни қўлига ўтиб қолса нима бўлади? Минг афсуслар бўлсинки, бу саволга «Ҳа, ҳаммаси яхши бўлади» деб ишонч билан жавоб бериб бўлмайди. Зотан, ота-боболаримизнинг «Одамни синамоқчи бўлсанг, унга давлат ва бойлик бергин» мазмунидаги нақли бекорга эмас. Бунақа синовдан эса ҳамма ҳам муваффақиятли ўта олмайди. Чунки инсон рухиятида ижобий фазилатлар билан бирга салбий иллатлар ҳам мавжуд бўлиб, улар инсонни ёмонлик сари етаклайди. Бу хусусият, давлат ва бойликка эга бўлганларга ҳам бирдек тааллуқлидир. Алишер Навоий ёзиб қолдирганидек:

«Худо давлат аҳлларини иззат-ҳурмат тахтига яратди,
Лекин манманлик, қайсарлик ва кибру ҳавосиз яратмади»⁷.

Таассуфки, иқтидорда бўлган бойлик ва давлатнинг соҳибларини тўғри йўлдан оздирадиган, улардаги манманлик, қайсарлик ва кибру ҳаво, мансабпарастлик, калондимоғлик, хасислик, ўзи бўларчилик каби ноахлоқий иллатларни урчишига атрофидагилар сабаб бўлади⁸. Сиз буюксиз, сиз борсиз дунё бор, сиз энг ақлли ва доносиз, ҳамма сиздан ўрнатқан олиши керак, сизнинг ҳамма гапингиз тўғри, сиз хато қилишингиз мумкин эмас каби тақаллуфларни ҳар куни эшитаверган инсон охир-оқибатда ўзи ҳам шу гапларга ишониб, ҳақиқатдан ҳам мен шундай буюк зот эканман деб ўйлай бошлаши ҳеч гап эмас. Оқибат қандай бўлиши эса барчага аён. Ушбу ҳолатни давлат ва жамият тақдирига кўрсатган салбий таъсирларини тарихий тараққиётда бир неча маротаба ўз исботини топган.

ХУЛОСА

Шу боис инсониятнинг етук вакиллари хато-камчиликлар ва нуқсонларни яшириш эмас, балки уларни тузатиш йўллари излаш лозимлигини таъкидлаб келишган: «Улуғларнинг яхши одатларидан ва одамларнинг гўзал ахлоқларидандурки, агар бирор нуқсон кўрсалар уни ислоҳ қилишга киришсинлар ва камчилигини саҳву хато билиб, номаъқул сўзлар ва нодонлик ҳисобламасинлар. Тўғри йўлга эргашганларга салом бўлсин»⁹! Алишер Навоий фалсафасидаги асосий тамойиллардан бири «Адолатли шоҳ» ғояси эканлигини кўришимиз мумкин. У ўз асарларида ўз орзусидаги ҳукмдорга «Давлатни

⁷ Салимов Б.Л. Ижтимоий муносабатларнинг коммуникация ва транспорт тизими билан детерминистик боғлиқлигининг гносеологик таҳлили. Фалсафа фанлари доктори диссертацияси. Ўзбекистон Миллий университети. Тошкент. 2022, 224 б.

⁸ Salimov, Bakhridin Lutfullaevich (2023). OPINIONS OF CENTRAL ASIAN SCHOLARS ON SOCIAL RELATIONS. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 3 (1-2), 178-182.

⁹ Бахриддин Лутфуллаевич Салимов (2022). ЖАМИЯТНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАКОМИЛЛАШУВИДА БОШҚАРУВ ВА ТАРБИЯ САНЪАТИНИНГ ЎРНИ. Academic research in educational sciences, 3 (11), 359-365.

бошқаришу адолатингдан жаҳонда маъмурчилик бўлсин»¹⁰ каби даъватлар билан мурожаат қилади. Ва юртида адолатни ўрнатган ҳукмдорларга нисбатан, «Адолатинг водийсида сиёсатинг зўридан бўри чўпоннинг қўйлари подасини итдай қўриқлайди»¹¹ деб ажойиб қиёсий ўхшатиш қилади. Аслида, «Давлат бу – қонунлар жамияти, зеро одамлар бойликни яратиш ҳамда қобилиятда тенг бўлиши мумкин эмас, бироқ қонун олдида барча тенг бўлмоғи лозим»¹².

REFERENCES

1. Salimov, B. L. (2023). OPINIONS OF CENTRAL ASIAN SCHOLARS ON SOCIAL RELATIONS. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(1-2), 178-182.
2. Салимов, Б. Л. (2022). Ижтимоий муносабатларнинг коммуникация ва транспорт тизими билан детерминистик боғлиқлигининг гносеологик таҳлили. *Фалсафа фанлари доктори диссертацияси. Ўзбекистон Миллий университети. Тошкент*, 224.
3. Салимов, Б. Л. (2022). ЖАМИЯТНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАКОМИЛЛАШУВИДА БОШҚАРУВ ВА ТАРБИЯ САНЪАТИНИНГ ЎРНИ. *Academic research in educational sciences*, 3(11), 359-365.
4. Салимов, Б. Л., Бозорбоев, О. Д. Ў., & Раджапбаев, Х. Р. (2022). ЖАМИЯТДА ИЖТИМОЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАР. *Academic research in educational sciences*, 3(11), 286-291.
5. Салимов, Б. Л., & Ҳасанов, М. Н. (2022). ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(6), 1345-1354.
6. Salimov, B. L. (2021). The philosophical role of dialectical categories in human life. *Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(6), 406-410.

¹⁰ Salimov, Bakhridin Lutfullaevich (2023). OPINIONS OF CENTRAL ASIAN SCHOLARS ON SOCIAL RELATIONS. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3 (1-2), 178-182.

¹¹ Бахриддин Лутфуллаевич Салимов, Одилбек Дониёр Ўғли Бозорбоев, Хусниддин Равшанбек Раджапбаев (2022). ЖАМИЯТДА ИЖТИМОЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАР. *Academic research in educational sciences*, 3 (11), 286-291.

¹² Салимов Бахриддин Лутфуллаевич, Ҳасанов Миршод Нўъмонович. ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛИ. *Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*. Volume: 2, Issue 4, 2022. -P.1345-1354.